



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » май

№ 325

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикасида музей ва театрларнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида

Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Республикасининг ижобий имиджини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг музей тўпламларидағи бой тарихий ва маданий меросини кенг тарғиб қилиш, театр санъатини оммалаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қўйидагиларни назарда тутувчи “Жонли музей” ва “Муҳташам театр” лойиҳаларини амалга ошириш таклифига розилик берилсин:

музейлар ва театрларда, шунингдек, уларга туташ ҳудудда интерфаол зоналарни яратиш;

музейларда хорижий тилларни мукаммал биладиган гид (гид-таржимон), музей брендини тарғиб қилиш бўйича маркетолог ва унинг хизматларини монетизация қилиш бўйича мутахассис лавозимларини жорий қилиш;

актёрларнинг нутқини бир вақтнинг ўзида таржима қилиш имкониятига эга бўлган қулоқчинлар ва (ёки) матнли монитор-табло ўрнатиш орқали хорижий томошабинлар учун театр чиқишлиарини синхрон таржима қилиш имкониятларини ташкил этиш;

ташриф буюрувчилар ва туризм соҳасининг субъектлари орасида сўровнома олиб бориш, маркетинг тадқиқотлари ва жамоатчилик билан ўзаро алоқа қилишининг стратегиясини автоматлаштиришга мўлжалланган кенг қамровли ахборот тизими ва маълумотлар базасини (CRM) музейлар фаолиятида жорий этиш;

замон талабларига жавоб берадиган музейлар, театрлар инфратузилмасини ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш мақсадида дунёning етакчи музейлари ва театрларидан хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

музей ва театрларда “фаҳрий меҳмон” мақомини жорий қилиш;

музей ичида ҳунармандлар устахонасини ва савдо шоҳобчаларини ташкил этиш ҳамда уларда музей ашёлари ва коллекциялари нусхалари, миллий сувенир маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиши;

музейда ахборот ва виртуал ҳакиқат технологиялардан фойдаланган ҳолда сенсорли экранларда интерфаол кўргазмалар ўтказиш;

музейлар, галереялар ва маданият объектларида бошқа музей ашёлари ва коллекцияларининг кўргазмаларини ташкил этиш;

музейлар ичида фотосурат ва видеотасвирга олиш тартибини соддалаштириш;

санъат йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун музейларга имтиёзли тартибда киришлари учун шароит яратиш;

“Маданият объектларининг дўстлари клуби”ни ташкил этиш, хайрия маблағлари, меценатлик кўмаги, шунингдек маданият соҳасидаги васийлик кенгашлари маблағлари хисобидан ҳар йили камида иккита музейларнинг, шу жумладан битта ҳудудий музейнинг брендини яратиш ва хорижий оммавий ахборот воситаларида тарғибот қилишни ташкил этиш;

музейлар ва театрларнинг туризм соҳасидаги иштирок этиши юзасидан баҳолаш рейтингини олиб бориш;

музей ашёларини чет эл кўргазмаларига вактинча олиб чиқилганда уларнинг бутлигини саклашга қаратилган суғурта қилиш таомилларини ишлаб чиқиш.

2. Музей ва театрларнинг маркетинг фаолияти ва хизматлар монетизациясини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Билет операцияларининг ягона электрон тизимини яратиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги 18-сонли қарорига мувофиқ маданият ва санъат муассасаларида блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда Билет операциялари ягона электрон тизимини (кейинги ўринларда БОЯЭТ деб аталади) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки:

2020 йил 1 августдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбекистон миллий академик драма театри, Мукимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри ва “Бухоро” давлат музей-қўриқхонасида чипталарни сотиш БОЯЭТ орқали амалга оширилади;

Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари биринчи навбатда маданият объектларига олиб борадиган йўлларда туристик ахборот-ишора белгиларини ўрнатилишини таъминлайди;

маданият объектларнинг маъмурияти объект ҳудудида жойлашган санитария-гигиена шохобчаларининг бепул фаолият кўрсатишини ва уларга олиб борадиган белгилар ўрнатилишини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

а) икки ой муддатда:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва маданият объектлари маъмуриятлари билан биргаликда меҳнат қонунчилиги доирасида маданият объектларнинг иш вактини ўзгартириш (узайтириш)ни назарда тутувчи тегишли меъёрий хужжатлар қабул қилинишини таъминласин;

Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда гид (гид-таржимон) лавозими ҳамда музей ва театр брендини тарғиб қилиш ва хизматларни монетизация қилиш бўлимини ташкил этишни назарда тутувчи 10 тадан музей ва театрларнинг намунавий штатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритсин. Бунда, гид (гид-таржимон) лавозими, музей ва театрлар брендини тарғиб қилиш ҳамда хизматларни монетизация қилиш бўлими фаолияти йўлга қўйиладиган музей ва театрлар рўйхати Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда шакллантирилади;

б) уч ой муддатда “Маданият объектларининг дўстлари клуби”нинг таркибини такомиллаштириш, маданият объектларининг муаммоларини ҳал қилишда ва муҳим маданий лойиҳаларни амалга оширишда маслаҳат, молиявий, ташкилий қўмак кўрсатадиган таниқли олимлар, ҳомийлар, маданият арбоблари ва санъатшунослардан иборат янги васийлик кенгашини шакллантириш ва амалдаги кенгашлар таркибини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) 2020 йил 1 июлга қадар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбекистон миллий академик драма театри, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри ва Бухоро давлат музей-кўриқхонасини БОЯЭТ тизимига уланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тажриба тарикасида 2023 йил 1 январгача Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбекистон миллий академик драма театри, “Мингўрик” шаҳарчаси, Ўзбекистон Бадиий академиясининг “Ҳамар ҳалқаро алоқалар маркази” давлат корхонасининг хизматларини монетизация қилиш ва брендини тарғиб қилишга қаратилган чораларни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Маданият вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ташриф буюрувчилар билан ўзаро мuloқотда бўладиган маданият ходимлари учун бепул “Smile Culture” курсларини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташки шлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро театр институтининг марказини Ўзбекистон Республикасида ташкил этиш ҳамда Халқаро музейлар кенгаши билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Туризм соҳасининг субектларига турли мавзуулар бўйича туризм маҳсулотларни шакллантиришда, музейлар ва театрларнинг туризм салоҳиятидан фойдаланиш, шунингдек, картография маҳсулотларини чоп эттиришда уларнинг жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш ҳамда жойлаштириш ва қабул қилиш хизмати бўйича масъул бўлган ходимларига маданият ва туризм намойиш обьектлари тўғрисидаги билимларини ошириб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринbosари - Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов ва Маданият вазири О.А. Назарбеков зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “23” майдаги 325-сон қарорига  
илова

**Музей ва театрларнинг маркетинг фаолияти ва хизматлар монетизациясини комплекс ривожлантириш  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

т/р	Тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
1.	Музей ва театрларнинг жойлашган жой манзили, унга етиб бориш усули ва масофаси тўғрисидаги маълумотларни аэропорт, темир йўл ва авто вокзаллар, жамоат жойлари ва жойлаштириш воситалари, шунингдек реклама обьекти ва киоскаларда тарқатиши.	2020йил 1 сентябрдан, бошлаб доимий равища	республика ва маҳаллий бюджет, ижрочилар ва ҳомийлик маблағлари	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Uzbekistan Airways” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Транспорт вазирлиги
2.	Авия ва темир йўл компанияларнинг борт журналларида, музей ашёлари ва коллекциялари, театрларнинг спектакль, томошалар намойиши, гастроль фаолияти тўғрисидаги реклама материалларини доимий равища жойлаштириши.	2020 йилнинг май ойидан бошлаб, хар чорақда	ижрочилар маблағлари	“Uzbekistan Airways” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
3.	Хорижий аудиторияни театрларга жалб қилиш мақсадида:  Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Кўқон шаҳарларидаги театрларда саҳнадаги актёрларнинг чиқишилари матнини инглиз тилида кўрсатиб берувчи таблоларни жорий қилиш;  Тошкент шаҳридаги битта театрда синов тариқасида хорижий томошабинлар учун инглиз тилидаги матнларни кўрсатиб берувчи табло мониторлар ва (ёки) актёрлар сўзларини инглиз	2020-2022 йиллар	республика ва маҳаллий бюджет, ижрочилар ва ҳомийлик маблағлари, инвестор ва хорижий донорлар маблағлари	Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

т/р	Тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	тилига синхрон таржима қилиш учун қулоқчинлар жорий қилиш.			
4.	Радиогид хизматини ташкил қилиш орқали музей ва моддий маданий мерос объектларида ташриф буюрувчилар учун кулай экскурсияларни ташкил қилиш.	2021 йил июль	республика ва маҳаллий бюджет, ижрошилар ва ҳомийлик маблағлари, инвестор ва хорижий донорлар маблағлари	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	Музейлар ашёлари ва коллекциялари ҳақидаги сўнгги маълумотларни рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларда электрон қўлланмаларга критиш. Музейларни глобал интерактив карталар («GoogleMaps», «YandexKarta», «MapsMe» ва бошқа электрон навигатор ва карталар)га жойлаб бориш тизимини йўлга қуиши.	2020 йилнинг сентябрдан бошлаб, доимий	ижрошилар ва ҳомийлик маблағлари	Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Турли тоифадаги томошабинлар учун мўлжалланган театр ва музейларнинг маҳсус электрон мобиль иловаси “UzMuseums”ни яратиш ва уни “AppStore”, “Google Play Market” каби иловаларга жойлаштириш.	2020 йил август	Туризм соҳасини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари, ижрошилар, тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ахборот технологиялар соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари
7.	Музейларнинг интерактив сайтларини такомиллаштириш мақсадида республикадаги 10 та музейларнинг ҳар бир ашёлари ва коллекциялари	2020 йил август	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Туризм	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ахборот

т/р	Тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	учун QR-код тизимини жорий қилиш ва унинг кисқача таърифини берувчи жамламалар яратиш. Бунда, QR-код тизимини жорий қилиш учун маблағларнинг 50 фоизи Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва 50 фоизи Туризм соҳасини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.		соҳасини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари	технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Ижобий синовдан ўтган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда маданият обьектлари жозибадорлигини ошириш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш	2020 йил июль	-	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
9.	Хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ўрганган ҳолда маданият соҳасида таълим жараёнига маданият обьектлари жозибадорлигини оширишга қаратилган фанларни киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2020 йил июль	-	Маданият вазирлиги, Ўзбекистон бадиий академияси, Олий ва ўт朴实-максус таълим вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
10.	Ҳар бир музей бўйича илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш бўйича Харакатлар режасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил август	-	Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон Фанлар Академияси
11.	Маҳаллий музей ва театрларнинг чет эл ташкилотлари билан ўзаро манбаатли ҳамкорлигини йўлга кўйиш ва мустаҳкамлаш бўйича Чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил сентябрь	-	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон Фанлар Академияси
12.	Музей ва театрлар фаолияти билан боғлик маълумотларни ўз ичига олган сенсор маълумот киоскларини жойлаштириш учун туристик намойиш обьектлари атрофида, жамоат жойларида Тошкент	2020 йил сентябрь	ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

т/р	Тадбирлар	Бажариш мүддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	шаҳрида (20та), Республика бўйсунувидаги ҳудудларнинг маъмурӣ марказларида (5 тадан), шаҳарлар ва туман марказларида (1тадан) тайёр конструкцияли ер майдонларини ажратиш.			Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги
13.	Ажратилган майдончаларда тажрибали дизайнерларни жалб қилган ҳолда сифатли маълумотларни тайёрлаш ва жойлаштириш, шунингдек Интернет тармоғида музей ва театрларга ташриф буюришга чорловчи материалларни жойлаш ва режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда янгилаб бориш.	2020 йил сентябрь	ижрочилар ва буюртмачилар маблағлари	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги
14.	Музей ва театрлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар бўйича грант танловини ташкил қилиш ва ўтказиш.	2020 йил сентябрь ойидан бошлаб ҳар йили	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, ижрочилар ҳамда ҳомийлик маблағлари	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
15.	Музей ва театрлар бўйича “Йил меценати” республика даражасидаги акцияни ўтказиш.	2020 йил сентябрдан бошлаб ҳар йили	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, ижрочилар ҳамда ҳомийлик маблағлари	Маданият вазирлиги, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

т/р	Тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
16.	Музейлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида жамоатчиликнинг музей хизматларига бўлган эҳтиёжини ҳар йиллик социологик ўрганишлар орқали ташкил этиш.	2020 йил ноябрдан бошлаб, ҳар йили	ижрочилар ва буюртмачилар маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
17.	Ташриф буюрувчилар ва сайёхлик ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини, шунингдек, ташриф буюрувчилар орасида сўровнома олиб бориш, маркетинг тадқиқотлари ва жамоатчилик билан ўзаро алоқалар қилишининг стратегиясини автоматлаштиришга мўлжалланган кенг қамровли ахборот тизими ва маълумотлар базасини (CRM) музейлар фаолиятида жорий этиш.	2020 йил декабрь	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, ижрочилар ҳамда ҳомийлик маблағлари	Маданият вазирлиги, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
18.	Музей ашёлари ва коллекцияларининг электрон ва қоғозли каталогларини яратиш ҳамда уларни китоб дўконларида сотувини йўлга қўйиш.	2020 йил июндан бошлаб, бир йилда камидা икки марта	ижрочилар ва буюртмачилар маблағлари	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
19.	Мамлакатдаги музей ва театрларни таништиришга қаратилган телевизион кўрсатувлар ва реклама роликларини тайёрлаш, шунингдек, уларни текинга республикадаги барча каналларда намойишини таъминлаш.	2020 йил декабрдан бошлаб доимий	ижрочилар ва буюртмачилар маблағлари	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, МТРК, ЎЭОАВА
20.	“Маданий обьектларнинг дўстлари клуби” хайрия маблағлари, меценатлик кўмаги, шунингдек маданият соҳасидаги васийлик кенгашлари маблағлари хисобидан ҳар йили иккита музейларнинг брендини,	2020 йил сентябрдан бошлаб, доимий	ижрочилар ва буюртмачилар маблағлари	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, ЎЭОАВА

т/р	Тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	шу жумладан вилоятлардан бирини хорижий ОАВда реклама қилишни ташкил этиш.			
21.	<p>Куйидагиларни ташкил қилишни назарда тутувчи 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида маданий тадбирлар каледарини ишлаб чиқиш ва Вазирлар маҳкамасига киритиши:</p> <p>театрлар, мусиқий гурухлар бирлашмаси ва музейлар ўртасида ташкил этиладиган маҳсус тадбирлар;</p> <p>хорижий мамлакатлар маданиятига оид тадбирлар; бутунжаҳон даражасидаги музей ашёлари ва коллекциялари кўргазмаси ҳамда театрларларнинг ижодий гурухлари кўргазма ва чиқишлиар ва бошқалар.</p>	2020 йил декабрь	-	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
22.	<p>Куйидагиларни назарда тутувчи “Музей ва (ёки) театрнинг фахрий ташриф буюрувчиси мақомини бериш тўғрисида”ги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>мақомни бериш асоси ва талаблари;</p> <p>мъалум даврда музей ва театрларга бепул асосда кириш (1, 3 ва 5 йилгача);</p> <p>мақомни бериш тўғрисида ташриф буюрувчини СМС орқали ҳамда кўргазма ва дастурлар тўғрисида олдиндан электрон почта манзили орқали хабардор килиш тартиби ва бошқалар.</p>	2020 йил июль	-	Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
23.	Хорижий тажрибани чукур ўрганган ҳолда ЮНЕСКО хузурида Халқаро театр институти марказини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиши.	2020 йил август	-	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

